# Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитети кенгашининг АХБОРОТИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

воз кечишни тақазо этмоқда, деб ҳисоблайдилар. Ядро урушида ғолиблар бўлиши мумкин эмас. Кенгаш қатнашчилари урушнинг олдини олиш, уни инсоният ҳаётидан абадий чиқариб ташлаш, Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланишга қаратилган конкрет қуролсизланиш, биринчи навбатда ядровий қуролсизланиш чораларига ўтиш туб вазифа эканлигига қатъий ишонишларини таъкидладилар. Бунинг учун барча давлатларнинг, барча тинчликсевар кучларнинг ғайрат-ҳаракатларини бирлаштириш, давлатлар ўртасидаги, айниқса, турли социал системаларга ва уларнинг ҳарбий сиёсий иттифоқларига мансуб давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончни мустаҳкамлаш, ҳарбий соҳада бир-бирларининг ташвиш-хавотирлиги, мақсадлари ва муддаоларини тўғри тушуниш зарурдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўзларининг ҳарбий доктринаси мудофаа характерида эканлигини, бу доктрина ҳарбий кучлар мувозанатини имкони борича пастроқ даражада сақлаб туриш зарурлигига, ҳарбий потенциалларни мудофаа учун зарур бўлган етарли даражаларгача камайтириш мақсадга мувофиқ эканлигига асосланишини яна билдирадилар. Кенгашда ушбу масала юзасидан ҳужжат қабул этилди, шу ҳужжат эълон қилинмоқда.

2. Кенгаш қатнашчилари инсониятнинг ядровий ҳалокат сари силжиб боришини тўхтатиб қолиш учун ҳозир ядровий қуролсизланиш соҳасида қуйидаги амалий қадамларни қўйиш имконияти пайдо бўлди, деб ҳисоблайдилар:

— Рейкьявикда эришилган принципиал аҳдлашув асосида Европадаги барча Америка ва Совет ўртача олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги битимни ҳеч кечиктирмай тузиш. Шу битим имзолангандан кейин ГДР ва ЧССР ҳукуматлари билан келишган ҳолда совет ракеталари ана шу мамлакатлардан олиб чиқиб кетилади. Бу ракеталар Ғарбий Европада Американинг ўртача олислик ракеталари жойлаштирилганига нисбатан жавоб чораси сифатида шу мамлакатларга жойлаштирилган эди.

— Бир пайтнинг ўзида Европадаги Совет ва Америка оператив-тактик ракеталарини тугатиш ҳамда Совет Иттифоқининг шарқи ва АҚШ территориясидаги ана шундай ракеталар хусусида музокаралар олиб бориш.

—Европадаги тактик ядро воситалари, жумладан, тактик ракеталар тўғрисидаги масалани Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Будапешт ташаббуси руҳида кўп томонлама музокараларда ҳал этиш.

— Ракетадан мудофаа шартномаси режимини мустаҳкамлаш билан бир вақтда стратегик ҳужум қуролларини тубдан қисқартириш тўғрисида бир битимга келиш. Иттифоқчи социалистик давлатлар СССР билан АҚШ стратегик ҳужум қуролларини беш йил ичида 50 процент қисқартириш ва кейинчалик уларни яна қисқартириш тўғрисида музокаралар олиб боришни ёқламоқдалар.

— Ядро қуролларини яратиш, ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришни тўхтатиш, уларни камайтириш ва тугатиш ишида биринчи навбатдаги чора сифатида ядро синовлари тўла тақиқланишига эришиш. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар бу соҳада тегишли аҳдномаларга эришиш учун дарҳол тўла кўламда музокаралар бошлашни таклиф этмоқдалар.

Кенгаш қатнашчилари космик фазода қурол-яроғлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун, ракетадан мудофаа шартномасига қатъий риоя этилиши учун, йўлдошга қарши системаларни ҳамда «Космос—Ер» классидаги қуролларни тақиқлаш ҳақида, космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш тўғрисида аҳдномаларга эришиш учун, космосдан оқилона асосда, бутун инсоният манфаатларини кўзлаб фақат тинч мақсадларда фойдаланиш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Иттифоқчи социалистик давлатларнинг раҳбарлари стратегик ҳужум қуроллари, ракетадан мудофаа шартномаси режимини мустаҳкамлаш, шунингдек, ядро синовлари хусусида СССР билан АҚШ ўртасидаги битимларнинг «Асосий қоидаларини» ишлаб чиқишни ёқлаб фикр билдирдилар. Бундай қоидаларни ишлаб чиқиш ўртача олислик ракеталари тўғрисидаги шартномани имзолаш билан бир қаторда СССР ва АҚШ ўртасидаги Олий даражадаги аҳднома учун асос бўлиши ҳамда юридик вазифа юклайдиган Совет—Америка битимларини тайёрлаш учун негиз бўлиши мумкин эди.

Улар Европадаги ҳамма давлатлар, энг аввало ҳар иккала иттифоқ аъзолари ядровий қуролсизланиш жараёнига, тегишли музокараларнинг муваффақиятини таъминлашга фаол кўмаклашишларини муҳим, деб ҳисоблайдилар. Шу аср охирига қадар ядро қуролларини ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тугатиш мақсадида икки томонлама ва кўп томонлама асосда конкрет аҳдномаларга эришиш учун Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қиладилар.

3. Кенгашда вакиллари қатнашган давлатлар химия қуролини тезроқ тугатиш фикрини билдирдилар. Улар химия қуролларини тақиқлаш, бундай қуролнинг мавжуд запасларини ҳамда уни тайёрлайдиган саноат базасини йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги Халқаро конвенцияни ишлаб чиқишни шу йилнинг ўзидаёқ ниҳоясига етказишга тайёр эканликларини тасдиқлайдилар. Улар бу хусусда 1987 йил 25 мартда Москвада ўзлари қабул қилган баёнотда эслатиб ўтганлар.

4. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар 1986 йил июнь ойида олға сурган 90-йилларнинг бошларида Европада қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни 25 процент қисқартириш программасини амалга ошириш йўллари муҳокама қилинди. Бундай қисқартириш айни бир вақтда тактик ядро воситалари комплексида ҳам амалга оширилиши мумкин бўлур эди. Кенгаш қатнашчилари таклиф этилаётган қисқартиришни амалга ошириш билан бир вақтда икки мингинчи йилга қадар қуролли кучларни, қурол-яроғларни ва ҳарбий харажатларни янада кўпроқ қисқартиришга ўтишга имкон берадиган янги тадбирларни ишлаб чиқишни зарур, деб ҳисоблайдилар.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европада ҳарбий мухолифликни камайтириш жараёнини узлуксиз, ҳар бир босқичда мумкин қадар қуйи даражада мувозанатни таъминлайдиган бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Улар тарихий, географик ва бошқа омиллар туфайли Европада ҳар икки томон қуролли кучларидаги номутаносибликни ҳисобга олиб қисқартириш давомида баъзи элементларда вужудга келган тенгсизликни ким олдинда бўлса, ўша томонда тегишли қисқартириш ўтказиш йўли билан бартараф этишга тайёр эканликларини изҳор қиладилар. Қўшинлар ва қурол-яроғларни қисқартириш жараёнини давлатлар ҳарбий харажатларини тегишли даражада камайтириш билан бирга амалга оширилса, мақбулроқ бўлур эди.

Вакиллари кенгашда қатнашган давлатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчилари бўлган барча давлатларга мурожаат қилиб, ташқи ишлар министрларининг учрашувини ўтказишни таклиф қиладилар, бу учрашув қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни, ҳарбий харажатларни тегишли даражада камайтирган ҳолда Европада тактик ядро қуролларини тубдан қисқартириш мақсадида кенг кўламли музокаралар бошлаш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин эди. Бундай музокараларда ҳарбий мухолифликни камайтириш ва тўсатдан ҳужум қилиш хавфининг олдини олиш, иккала ҳарбий иттифоқ бевосита чегарадош бўлган зонадан қурол-яроғларнинг энг хавфли, ҳужум турларини ўзаро олиб чиқиб кетиш, шунингдек, ана шу зонада қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг тўпланишини ўзаро келишилган энг кам даражагача камайтириш билан боғлиқ бўлган бир қанча биринчи галдаги тадбирларни ҳам муҳокама қилиш лозим бўлур эди.

Ана шу масалаларни муҳокама қилиш учун Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда қуролсизланиш тадбирларига бағишланган конференциянинг иккинчи босқичи энг яхши анжуман бўлур эди. Шу билан бир пайтда қуролсизланиш масалаларини муҳокама қилишнинг бошқа вариантлари, аввало махсус анжуман чақирилишини ҳам истисно қилмаган ҳолда Умумевропа жараёни доирасида муҳокама қилиш вариантлари ҳам бўлиши мумкин.

Иттифоқчи социалистик давлатлар НАТО ҳамда Варшава Шартномаси мамлакатлари вакиллари ўртасида Венада ўтаётган норасмий маслаҳатлашувларга алоҳида аҳамият бермоқдалар, бу маслаҳатлашувлар бўлажак музокаралар мандатини ишлаб чиқишга кўмаклашмоғи лозим.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўзларининг яхши ниятларини тасдиқлаб ҳамда бўлажак музокаралар учун энг яхши шароитларни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, ўз ҳарбий потенциалларини ривожлантириш хусусида мумкин қадар кўпроқ тийилиб туришга, ўзаро келишилган асосда қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни кўпайтирмасликка ҳамда ҳарбий харажатларни кўпайтиришга бир-икки йил учун мораторий эълон қилишга тайёр эканликларини маълум қиладилар. Улар НАТОдаги барча мамлакатларни ҳам мана шундай ёндашишга даъват этадилар.

5. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европанинг айрим регионларида ҳарбий қарама-қаршиликни камайтириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, Болқонда, қитъанинг марказида ва шимолида ядро ва химия қуролларидан холи бўлган зоналарни вужудга келтириш ташаббусларига катта аҳамият берадилар. Улар бу хусусда ГДР, ЧССР, РСР ва БХР олға сурган таклифлар амалга оширилишига эришишга азму-қарорларини тасдиқлайдилар.

ГДР ва ЧССРнинг Варшава Шартномаси ташкилоти ва НАТО туташадиган линия бўйлаб кенглиги 300 километр (ҳар томонга 150 километрга) ядросиз коридор тўғрисидаги таклифига келганда эса бу зонадан ўзаро асосда ҳамма ядро қуроллари — ядро ўқ-дорилари, жумладан, ядро миналари, оператив-тактик ва тактик ракеталар, атом артиллерияси, зарбдор тактик авиациянинг ядро қуролини элтувчи самолётлари, шунингдек, ядро қуролини қўллашга қодир бўлган зенит-ракета комплекслари олиб чиқиб кетилган бўлур эди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Болқонда ядро ва химия қуролидан ҳоли зонани барпо этиш тўғрисида кўп томонлама мулоқотни давом эттириш ҳамда чуқурлаштиришни ҳам ёқлаб чиқмоқдалар.

Вакиллари кенгашда қатнашган давлатлар Марказий Европада қурол-яроғларни камайтириш ва ишончни ошириш юзасидан ПХР олға сурган планни тўла қўллаб-қувватлайдилар. Бу планнинг амалга оширилиши қитъада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлур эди.

6. Қуролсизланиш тадбирларининг амалга оширилиши қуролсизланиш тадбирларининг мазмунига жавоб берадиган, жумладан, жойларда инспекциялар ўтказишни ўз ичига оладиган самарали контрол системаси билан гарантияланган бўлур эди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар реал қуролсизланишга ўтиш чоғида контрол хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолишини эътиборга олиб, қурол-яроғларни қисқартиришнинг ҳамма босқичларида текширишнинг энг қатъий чоралари комплексини ишлаб чиқиш тарафдоридирлар.

Ҳамма жойда — ракеталар демонтаж қилинадиган ва улар тугатиладиган жойларда, полигонларда ва ҳарбий базаларда, шу жумладан, учинчи мамлакатларда, ўқув марказларида, ҳам давлатга, ҳам хусусий кишиларга қарашли омборларда ва ракеталарни тайёрлайдиган заводларда ракета-ядро қуролларини қисқартиришни контрол қилиш таъминланиши керак.

Оддий қурол-яроғлар соҳасида қисқартириш жараёнининг ўзини контрол қилиш чоралари билан бир қаторда қисқартиришдан кейин қолган қўшинлар ҳарбий фаолиятини кузатиш йўлга қўйилган бўлур эди.

7. Кенгашда қатнашган давлатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши қатнашчилари бўлган давлатлар вакилларининг ҳозир ҳамма учун мақбул бўладиган аҳдномаларни ишлаб чиқиш масъулиятли босқичига кирган Вена учрашувининг қандай бораётганлигини кўриб чиқиб, бу учрашувнинг муваффақиятли тугалланишига, учрашувда қуролсизланиш ишида реал силжишга, унда қатнашаётган давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муносабатларни Хельсинки Якунловчи ҳужжатининг барча мустаҳкам ва ишончли принциплари асосида мустаҳкамлашга кўмаклашадиган мазмунли ва балансли қарорлар қабул қилишига ҳар томонлама ёрдамлашишга тайёр эканликларини айтдилар. Улар қитъанинг бир-бирига қарама-қарши турувчи ҳарбий блокларга бўлинишига қарши, бу блокларни бир пайтнинг ўзида тарқатиб юбориш учун, Умумевропа хонадонида яхши қўшничилик ва ҳамкорлик учун курашмоқдалар.

Кенгашда қатнашган давлатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчилари бўлган давлатлар ташқи ишлар министрларининг таклиф этилаётган учрашуви Европада қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида музокараларни бошлаб юборишгагина эмас, шу билан бирга Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлигининг бошқа масалаларини ҳам ҳал этишга ёрдам берган бўлур эди, деган ишончни изҳор қиладилар.

Кенгаш қатнашчилари Европа қитъасидаги мавжуд территориал-сиёсий реалликлар ҳурмат қилинган тақдирдагина қитъада мустаҳкам тинчлик ва яхши қўшничилик ҳамкорлиги таъминланиши мумкин, деган якдил фикрдадирлар. Реваншчи кучларнинг, аввало, Германия Федератив Республикасидаги реваншчи кучларнинг фаолияти ҳамда қаерда бўлмасин реваншизмни рағбатлантириш кескинликни юмшатиш ва хавфсизлик манфаатларига, Хельсинки Якунловчи актининг руҳи ва ҳарфига зиддир. Бундай фаолиятга бундан буён ҳам энг қатъий зарба берилади.

Тинчлик, ишонч муҳитини вужудга келтириш, халқлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстлик манфаатлари улар ўртасидаги душманчилик сиёсатини, антикоммунизмни қарор топтиришга ҳар қандай уринишларни, ирқчиликни тарғиб этишни, камситишнинг ҳар қандай формаларини қўлланишни, шовинистик ва миллатчилик тезисларини тарқатишни тўхтатишни талаб қилади.

8. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ҳамма мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлларини қидиришга тайёрдирлар, улар савдо ва иқтисодий айирбошлаш соҳасидаги ғовларни бартараф этишни, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида қатнашаётган давлатлар ўртасида хўжалик алоқаларини мустаҳкамлашни ёқлаб чиқмоқдалар. Бу эса Европада кескинликни юмшатишга хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашган бўлур эди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар гуманитар соҳада кенг баҳамжиҳат ҳаракат қилиш тарафдоридирлар. Уларнинг эътиқодига кўра, одамларнинг тинчлик ва эркинлик шароитида яшаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқлари таъминланиши учун, давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда уларнинг сиёсий, гражданлик, иқтисодий, социал ва маданий ҳуқуқлари бир-бирига боғлиқ ҳолда тўла амалга оширилишини таъминлаш учун ҳамма иш қилиниши керак.

9. Кенгашда қатнашган давлатлар ҳам ҳарбий ва сиёсий, ҳам иқтисодий ва гуманитар соҳаларни қамраб оладиган кенг қамровли халқаро тинчлик ва хавфсизлик системасининг шаклланишига эришишга қатъий аҳд қилганликларини тасдиқлайдилар. Экология соҳасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш ҳам бундай системанинг таркибий қисми бўлур эди. Хавфсизликнинг бундай системаси куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан дўқ-пўписа қилиш истисно этиладиган, халқлар ўртасидаги муносабатлар эса ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамкорлик руҳида қуриладиган ядросиз дунёни барпо этишга олиб борган бўлур эди. Социалистик мамлакатларнинг ташаббуси муҳолифлик ёндашувларини бартараф этишга, цивилизацияга хос нормаларни, халқаро муносабатларда ошкоралик, самимийлик ва ишонч муҳитини қарор топтиришга қаратилгандир.

Кенгаш қатнашчилари БМТда бошланган мазкур масала юзасидан кенг фикрлашиб олишни табрикладилар. Улар тинчликнинг моддий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-психологик гарантияларини шакллантирувчи конкрет тадбирларга, ҳамма учун амалда хавфсизликни таъминлашга ўтиш учун ҳамма соҳаларда ва барча даражаларда натижадор мулоқотни давом эттириш ва ривожлантиришни ёқламоқдалар. Улар БМТ Бош Ассамблеясининг 42-сессияси бу ишга ўз муҳим ҳиссасини қўшади, деб умид билдирадилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти халқаро тинчлик ва хавфсизлик кенг қамровли системасининг самарали таянчи бўлиши мумкин.

Вакиллари кенгашда қатнашган давлатлар миллий мустақиллик ва суверенитетни, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик, чегаралар ва территориал бутунлик дахлсизлиги, баҳсларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, тенг ҳуқуқлилик принципларини, БМТ Устави, Хельсинки Якунловчи акти бошқа принциплари ҳамда мақсадларини, халқаро муносабатларнинг умумэътироф этган бошқа нормаларини ҳамма давлатлар қатъий ҳурмат қилишлари зарурлигини таъкидладилар.

10. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг раҳбарлари дунёдаги кескинлик ва можароларнинг мавжуд ўчоқлари хусусида фикрлашиб олдилар ва уларни музокаралар йўли билан сиёсий жиҳатдан адолатли бартараф этишга фаол кўмаклашишга қатъий азму-қарор берганликларини таъкидладилар.

Яқин Шарқда барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан, Фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик Ташкилотининг тенг ҳуқуқли иштироки билан БМТ раҳбарлигида халқаро конференциянинг ўтказилиши мазкур регионда аҳволни ҳар жиҳатдан бартараф этишга эришиш ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун катта аҳамиятга эга бўлур эди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзоси, шунингдек, барча манфаатдор томонлар иштирокида тайёргарлик комитетининг тузилиши шундай конференцияни чақириш йўлидаги амалий қадам бўлиб қолиши мумкин эди.

Ироқ билан Эрон ўртасидаги можаронинг тезроқ тўхтатилиши ва низоли муаммоларни халқаро ҳуқуқтартиботнинг ҳамма эътироф этган нормалари асосида иккала давлатнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олиб, музокаралар йўли билан ҳал этиш халқаро тинчлик манфаатларига мос келган бўлур эди.

Кенгаш қатнашчилари Тинч океани жанубида ядро қуролидан холи зона вужудга келтирилишини табрикладилар, Корея ярим оролида тинчликни мустаҳкамлаш, Жануби-Шарқий Осиёдаги мавжуд барча можаролар ва муаммоларни сиёсий воситалар, музокаралар олиб бориш йўли билан, ҳар бир мамлакатнинг мустақиллигини, суверенитетини ҳурмат қилиш асосида ҳал этиш, жаҳоннинг шу районида яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш халқаро хавфсизлик манфаатларига мувофиқ келган бўлур эди, деб қатъий ишонч билдирдилар. Афғонистонда миллий ярашга эришиш, унинг теварагидаги аҳволни шу мамлакатнинг ички ишларига ҳар қандай аралашувни тўхтатиш, унинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш асосида сиёсий йўл билан тезроқ бартараф этишга қаратилган йўл қўллаб-қувватланди. Сиёсий бартараф этиш доирасида Афғонистондан совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги Совет — Афғонистон аҳдномасини тезроқ амалга оширишдан манфаатдорлик изҳор қилинди.

Кенгашда вакиллари иштирок этган давлатлар Африка жануби халқларининг империализмга, мустамлакачиликка, ирқчиларнинг апартеид сиёсатига қарши кураши билан, Намибия халқининг СВАПО раҳбарлигида озодлик ва чинакам мустақиллик учун олиб бораётган кураши билан бирдам эканликларини таъкидладилар. Улар ЖАРнинг Ангола ва Мозамбик халқларига, бошқа қўшни мустақил давлатларнинг халқларига қарши агрессив ҳаракатларини қатъиян қоралайдилар.

Кенгаш қатнашчилари Марказий Америкадаги аҳволни сиёсий йўл билан адолатли бартараф этишга қаратилган куч-ғайратларни батамом қўллаб-қувватлашларини билдирдилар, Никарагуага қарши агрессив хуружлар тўхталишини, ҳар бир халқнинг ўз сиёсий ҳамда иқтисодий ривожланиш йўлини эркин ва ташқаридан ҳеч кимнинг аралашувисиз ўзи белгилаш ҳуқуқи эътироф этилишини талаб қилиб чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари дунёдаги иқтисодий аҳволнинг баъзи жиҳатларини, шу жумладан, заиф ривожланганликни бартараф этиш ҳамда янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар. Шу масалалар юзасидан ҳужжат қабул қилинди, бу ҳужжат босиб чиқарилади.

11. Кенгашда иттифоқчи социалистик давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида муфассал фикрлашиб олинди. СМКнинг Будапешт кенгашидан кейин ўтган вақт мобайнида ташқи ишлар министрлари комитети билан мудофаа министрлари комитетининг ишига ижобий баҳо берилди, уларнинг бундан буёнги вазифалари белгилаб олинди.

Варшава Шартномаси доирасида баҳамжиҳат ҳаракат масалаларини муҳокама қилиш чоғида кенгаш қатнашчилари ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамкорликка яна ҳам кўпроқ жўшқинлик бағишлаш, унинг механизмини янада такомиллаштириш, иттифоқчи давлатлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар системасида тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро масъулият принципларига қатъий риоя этиш керак, деган фикрни билдирдилар. Улар ўзаро келишиб олинган ташқи сиёсий йўлни амалга ошириш манфаатларини кўзлаб, халқаро ишларда ҳар бир иттифоқчи давлатнинг активлиги ва ташаббускорлигини кучайтириш муҳим, деб ҳисоблайдилар.

Шу мақсадда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг вакилларидан иборат составда жорий ўзаро ахборот бериб турувчи кўп томонлама группани тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қуролсизланиш масалалари юзасидан Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг махсус комиссиясини тузишга ҳам қарор қилинди. Бу комиссия қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш, айниқса, ядровий қуролсизланиш масалаларига доир фикрлашиб олиш ҳамда ахборот айирбошлаш, жумладан, иттифоқчи давлатларнинг ташаббусларини муҳокама этиш ва бу соҳада биргаликдаги таклифларни ишлаб чиқиш учун ташқи ишлар министрликлари ҳамда мудофаа министрликларининг вакилларидан иборат составда бўлади. Комиссиянинг тузилиши Варшава Шартномасида қатнашувчи барча давлатларнинг қурол-яроғларни чеклаш ва қуролсизланиш соҳасида сарфланаётган биргаликдаги куч-ғайратларда яна ҳам активроқ иштирок этишларига кўмаклашиши лозим.

Сиёсий Маслаҳат Комитети Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари бош қўмондонининг қўмондонлик бажарган амалий ишлар тўғрисидаги докладини тинглади ва тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорлик вазиятида ўтди. У муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фикрлар бирлигини намойиш этди.

Кенгаш ўтказилган мамлакат сифатида Германия Демократик Республикаси кенгаш ҳужжатларининг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасида тарқатилишини таъминлайди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитетининг навбатдаги кенгаши Варшавада ўтказилади. Польша Халқ Республикасининг вакили, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Генрик Ярошек навбатдаги муддатга Сиёсий Маслаҳат Комитетининг бош секретари этиб тайинланди.

# Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҲАРБИЙ ДОКТРИНАСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

**Бешинчидан.** Европанинг турли регионларида ва жаҳоннинг бошқа районларида ядровий, химиявий қуроллардан холи зоналарни, шунингдек, қурол-яроғлар камроқ тўпланган ва ишонч оширилган зоналарни вужудга келтириш, ўзаро асосда Европада ҳарбий ишонч чораларини амалга ошириш ҳамда жаҳоннинг бошқа районларида, шунингдек, денгизлар ва океанларда мана шундай чоралар тўғрисидаги аҳдлашувларга эришиш. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ва Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ҳарбий куч ишлатишдан ўзаро воз кечиши ҳамда тинчлик муносабатларини сақлаб туриш мажбуриятларини қабул қилиш, бошқа давлатларнинг территориясида ҳарбий базаларни тугатиш; қўшинларни миллий чегаралар доирасига олиб чиқиб кетиш, икки ҳарбий иттифоқнинг бир-бирига бевосита яқин турган зонадан қурол-яроғларнинг энг хатарли ҳужум турларини ўзаро олиб кетиш, шунингдек, мазкур зонада қуролли кучлар ва қурол-яроғлар жамланишини келишиб олинган энг кам даражагача озайтириш.

**Олтинчидан.** Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Европанинг бир-бирига қарама-қарши турган ҳарбий блокларга ажралиши давом этаётганлигини нонормал ҳол, деб ҳисоблаб, Шимолий Атлантика иттифоқи билан Варшава Шартномаси бир вақтнинг ўзида тарқатиб юборилишини ва биринчи қадам сифатида уларнинг ҳарбий ташкилотлари тугатилишини, пировард натижада кенг қамровли халқаро хавфсизлик системаси вужудга келтирилишини талаб қилиб чиқмоқдалар.

* * *

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Шимолий Атлантика иттифоқига аъзо бўлган давлатларга ҳар иккала иттифоқнинг ҳарбий доктриналарини қиёслаб кўриш, уларнинг характерини таҳлил этиш, неча йиллар мобайнида тўпланиб қолган ўзаро гумонсираш ва ишончсизликка барҳам беришни, бир-бирларининг муддаоларини яхшироқ тушунишга эришишни, ҳарбий блокларнинг ва уларда қатнашувчиларнинг ҳарбий концепциялари билан доктриналари мудофаа асосларига таянишини таъминлашни назарда тутиб, мана шу ҳарбий доктриналар бундан буёнги эволюциясининг йўналишларини биргаликда кўриб чиқиш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказишни таклиф қиладилар.

Қурол-яроғларнинг айрим турлари ҳамда қуролли кучлар юзасидан вужудга келган номутаносибликлар ҳамда олдинга ўтиб кетган томоннинг ортиқча қисмини камайтириш тобора пастроқ даражани қарор топтиришга олиб келишини англаган ҳолда ана шундай камайтиришлар асосида номутаносибликларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш ҳам маслаҳатлашувлар мавзуси бўлиши мумкин эди.

Шартномада қатнашувчи социалистик давлатлар ҳар иккала томон мамлакатлари ҳарбий мутахассисларининг иштироки билан бундай маслаҳатлашувларни обрў-эътиборли экспертлар даражасида ўтказишни таклиф қиладилар. Улар бундай маслаҳатлашувларни 1987 йилдаёқ ўтказишга тайёрдирлар. Маслаҳатлашувлар Варшавада ёки Брюсселда ёҳуд ана шу шаҳарларнинг ҳар бирида навбати билан ўтказилиши мумкин бўлур эди.

**Болгария Халқ Республикаси номидан**
**Тодор ЖИВКОВ**
**Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси**

**Венгрия Халқ Республикаси номидан**
**Янош КАДАР**
**Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг Бош секретари**

**Германия Демократик Республикаси номидан**
**Эрих ХОНЕККЕР**
**Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси**

**Польша Халқ Республикаси номидан**
**Войцех ЯРУЗЕЛЬСКИЙ**
**Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Польша Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси**

**Руминия Социалистик Республикаси номидан**
**Николае ЧАУШЕСКУ**
**Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, Руминия Социалистик Республикасининг Президенти**

**Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи номидан**
**М. С. ГОРБАЧЕВ**
**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари**

**Чехословакия Социалистик Республикаси номидан**
**Густав ГУСАК**
**Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти**

Берлин, 1987 йил 29 май.

# КОНГРЕСС ОЧИЛДИ

Ер юзини ядро қуролидан халос қилиш — бемалол эришса бўладиган мақсаддир. «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» ҳаракати VII халқаро конгрессининг қатнашчилари ақлидрок телбаликдан ғолиб келади, Ер юзида «сўнгги эпидемия» тарқалмайди, деган тўла ишонч билан Москвада йиғилдилар. Дунёнинг 55 мамлакатидан келган икки мингдан ортиқ вакил қатнашаётган бу анжуман 29 май куни мамлакатимиз пойтахтида очилди.

Конгрессни унинг президенти, СССР Медицина фанлари академиясининг академиги М. И. Кузин очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг врачлар анжуманига йўллаган табрикномасини конгресс делегатлари ва меҳмонлари зўр эътибор бериб тингладилар. Табрикномани КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин ўқиб эшиттирди.

Шундан кейин «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» ҳаракати ижроия комитетининг секретари Д. О. Пасторе (АҚШ) бир қанча халқаро ташкилотларнинг раҳбаларидан, барча беш қитъадаги кўпгина давлат ва ҳукумат бошлиқларидан анжуман номига келган кўпдан-кўп табрикномаларни ўқиб эшиттирди.

СССР соғлиқни сақлаш министри, академик Е. И. Чазов «Ядро қуролини йўқ қилиб ташлаш — врачлар ҳаракатининг мақсади» мавзуида доклад қилди.

Ҳаракатнинг ҳамраиси, АҚШдаги Гарвард университети кардиология профессори Б. Лаун ҳам сўзга чиқди. Демократ-сенатор А. Гор (АҚШ) конгресс қатнашчиларини табриклаб, нутқ сўзлади.

Сўнгра Халқаро врачлар ҳаракатининг мукофотларини топшириш маросими бўлди. Халқаро вазиятни соғломлаштиришга қўшган ҳиссаси учун АҚШнинг таниқли савдо-саноат доиралари вакили ва жамоат арбоби А. Хаммерга фахрли мукофотлардан бири топширилди.

(ТАСС).

